

ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653360>

Джураев Д.М.

СамДЧТИ

Яқин шарқ тиллари кафедраси доценти (PhD)

fdx8585@mail.ru

+998946888838

Дукен Масимхон ўғли

Р.Б. Сулаймонов номидаги шарқшунослик илмий-тадқиқот институти

профессори, филология фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола хитой тилида мулоқат қилувчи талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришга қаратилган. Хитой тили билан маданиятини интеграллашган ҳолда ўқитиш талабаларнинг Хитой миллий маданияти ҳақида янада кўпроқ ўрганиш имконини беради.

Калит сўзлар: *Хитой, тил, маданият, маданиятлараро, мулоқот, талаба.*

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена развитию межкультурной коммуникативной компетенции студентов, общающихся на китайском языке. Комплексное преподавание китайского языка и культуры позволяет учащимся больше узнать о китайской национальной культуре.

Ключевые слова: *китайский язык, язык, культура, межкультурное общение, учащийся.*

ABSTRACT

This article focuses on developing intercultural communication competence of students who communicate in Chinese. Teaching Chinese language and culture in an integrated way allows students to learn more about Chinese national culture.

Keywords: *Chinese, language, culture, intercultural, communication, student.*

КИРИШ

Хитой тилини ўқитиш жараёнида талабаларимиз ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ўргатиш имкониятига

эга бўлмоқдалар. Бу, ўз навбатида, маданиятлараро мулоқотга кирувчи ёшларимизнинг сафини кенгайиб боришига олиб келмоқда.

Маданиятлараро мулоқот соҳасида тўпланган назарий ва амалий маълумотлар¹ ушбу методга таянч бўлиб хизмат ўтайди. Бу дегани, икки маданий жамоа (социум) лисоний дунёқараши (языковая картина мира) ўрганилаётган тил ва она тили материалида намоён бўлади.

XX асрнинг 80 йилларигача давлатимизда хорижликларга хитой тилини ўқитишда асосий эътибор тил таркиби, грамматик қоидалар ва лексик бирликаларга бўлган эътибор жуда кучли эди, тил ўқитишда маданият ва мулоқотдаги маданиятга паст назар билан қаралган. XX асрнинг 80 йилларидан кейин, ижтимоий тилшунослик, прагматика, маданий лингвистика, маданиятлараро мулоқот назарияси таъсирида хитой тилини ўқитишда уларнинг маданиятини ҳам ўргатишга эътибор қаратилди, қизғин муҳокамалар бошланди ва тезда ривожланишга эришилди².

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хитойлик олим Шу Жонгвен хорижий тилни ўқитишда тилнинг миллийлик хусусиятлари ва тил билан боғлиқ маданий тўсиқларни ўрганиб чиқди ва тилни ўқитишда маданиятни ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди³.

Тилни ўрганиш тилнинг маданий билимларини тушуниш билан узвий боғлиқдир. Сухбатдошнинг маданий қобилятини тушуниш, алоқаларнинг ўзаро боғлиқлиги билан самарали амалга оширишга кўмак беради.

Ҳозирги пайтда маданиятлараро мулоқотни ўргатиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда икки муаммога алоҳида эътибор қаратилмоқда: (1) тил ва маданиятни концептлар⁴ материалида ўргатиш ва (2) нутқий этикетни ўргатиш. Шу муносабат билан вербал ва новербал (кинесик) нутқни, нутқий хулқни⁵ ўргатиш методикаси ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, турли мамлакат, ҳудуд ва этниклари ҳар хил маданиятга эга бўлган талабаларга хитой тили ва маданиятини интеграллашган ҳолда ўқитиш керак⁶.

¹ Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. – М., 2007.

² 中国对外汉语教学学会，《世界汉语教学》编辑部，《语言教学与研究》编辑部. 对外汉语教学的定性、定位、定量问题座谈会纪要 [J] 纒.世界汉语教学.: 一九九五. 总页 160 页.

³ 元华. 中国对外汉语教学界文化研究. 北京师范大学学报.: 2003 年 30 页. 总页 135 页.

⁴ Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. (Опыт исследования). – М., 1997.

⁵ Прохоров Ю.Е., Стернин И.А. Русские: коммуникативное поведение. – М.: Флинта – Наука, 2007.

⁶ 唐智芳 “文化视域下的对外汉语教学研究”. 博士学位论文. 湖南师范大学.: 二零一二年. 五月. 总页 201.

Ши Жонгйинг маданият ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Маданиятнинг минглаб таърифлари бор, хитой тилини ўрганувчи давлатлар хитой маданияти борасидаги ёндашувлар асосида тили ва маданияти ҳақидаги турли даврлар, фанлар ва одамларнинг турмуш тарзига оид фикрларга эга бўлишган”⁷.

Хитой тилини ўқитиш бошқармасининг фикрига кўра, “маданий омилларни хитой тилини чет тил сифатида ўқитишнинг роли”, “хитой маданияти ва чет эл маданиятини икки томонлама ёки кўп томонлама ўрганиш”, бундан ташқари, “хитой тилини ўқитишда хорижликларда хитой маданиятини қабул қила олиши ва хитой маданий билимларини шакллантириш жараёнидаги роли”ни назарий асос сифатида ўрганишни аниқлаб олиш мақсадга яқинлаштиради.

Ҳозирги пайтда айнан ўқитиш мазмунини танлаш ва аниқлашда энг кўп муаммо ва ҳал этилмаган қийинчиликларни кўришимиз мумкин. Бу эса бутун таълим жараёни натижадорлигининг пасайишига олиб келади. Бош (гарчи билвосита бўлса-да) муаммо шундан иборатки, юқорида тилга олинган барча талабларга жавоб берувчи хитой тилининг базавий дарслиги мавжуд эмас. Бунинг оқибати ўлароқ ўқитиш жараёни тўлақонли ташкил этилмаяпти.

Бундай таълимни ташкил этишда хитой тилига ўқитиш мақсадларини ва уларга мос таълим босқичларини ҳам белгилаб олиш муҳим. Ўқитишнинг давомийлигидан қатъи назар, уни бошланғич, ўрта ва якуний босқичларга бўлиш энг мақбули ҳисобланади.

Хитой тилини ўргатишда талабаларнинг маданиятлараро мулоқот жараёнида тўсиқларга дуч келиш муаммолари қуйидагича аниқланди:

1. Хитой ва ўзбек тилида маданиятлараро мулоқот жараёнида;
2. Лингвокультурологик лексикаларда;
3. Мақол ва ибораларда;
4. Матнларда учраган миллий маданий хусусиятларида;
5. Лақна ва реалияларда
6. Ранг ва рақамларни ўрганишлардан мисоллар келтириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган лингвокультурологик муаммоларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтамыз.

Хитой ва ўзбек тилида маданиятлараро мулоқот жараёнида.

⁷ 石中英. 教学学的文化性格. М.: 太原: 山西教育出版社.: 2003 年. 总页数 385 页.

Хитой тилида саломлашиш ва хайрлашиш ўзбек тилида саломлашиш ва хайрлашишга караганда фарқли жиҳатлари бор. Бунга мисол сифатида куйидагиларни олишимиз мумкин.

你好! Ni hao! Салом! 早上好! zao shang hao! Эрталаб кўришганда айтиладиган салом! 晚上好! wan shang hao! Кечкурун кўришганда айтиладиган салом! Бу саломлашиш усули ўзбек тилида ҳам мавжуд, яъни “Хайрли тонг! Хайрли кун! Хайрли оқшом”. Бироқ ўзбек саломлашиш маданиятидан йироқ бўлган 去哪儿? qu naer? қаерга бораяпсан? 吃了没? Chi le mei? овқатландингми йўқми? Бундай саломлашиш усули, албатта, тушунмовчиликка олиб келади. Мисол учун: хитой тилини ўрганаётган ўқувчи хитойлик ўқувчилар билан учрашиб қолганда ўзбек ўқувчи “салом” деб саломлашса, хитойлик унга қараб, “қаерга кетаяпсан?” деб саломлашса, бу биз учун бир оз ноқулайлик туғдиради. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, агар сиз шундай ҳолга дуч келсангиз, бундай саломлашиш Хитойда оддий ҳолат ҳисобланади, сен қаерга бораяпсан деб сўраганда унга қаерга ва нима иш билан юргангизни айтиш шарт эмас. Бу шунчаки саломлашишнинг бир тури ҳисобланади.

吃了吗? chi le ma? Овқат едингми?

吃了没? Chi le mei? Овқатландингми, йўқми? Хитой халқининг бундай “овқат едингми” деб саломлашиши оддий ҳолга айланган. Кўчада хитойлик-хитойлик билан кўришиб қолган вақт ҳам шундай саломлашади, ҳатто чет эллик талабалар ёки таржимон орқали юрган тижоратчи, сайёҳлар билан саломлашганда ҳам шундай саломлашади. Бундай саломлашиш эса бизнинг ўқувчиларимиз ёки тижоратчи ва дипломатларимизни анча мураккаб аҳволга солиб кўяди. Ўзбек тилида “овқат едингми”, “овқатландингми, йўқми?” – деб саломлашиш усули йўқ. Чунки бизнинг урф-одатимизга кўра меҳмонларни овқатланишга таклиф қилиш мақсадида сўралади, Хитойда эса шунчаки саломлашиш усули ҳисобланади.

Хитой тилида “овқат едингми?” “овқатландингми, йўқми?” деб саломлашиш маданияти тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Бундай саломлашиш хитой халқининг маданияти ва психологиясига сингиб кетган. Бунинг жиддий сабаби бор. Қадимги Хитойда овқат топиб ейиш жуда катта муаммо бўлганлиги сабабли одамлар бир-бири билан кўришган вақтда “овқат едингми”, “овқатландингми йўқми” – деб сўраган, чунки жуда кўп одамлар овқат тополмасдан касал бўлиб очликдан оламдан ўтишган. Овқат едингми деб сўрашнинг маъноси агар овқат еган бўлсанг яхши яшаб кетасан деган маънони

билдирган ва бундай сўрашиш йилдан йилга ўтиб, Хитой давлатининг саломлашиш маданиятига айланган⁸ [129; 14-页.]. Ўзбек тилида саломлашиш маданиятида кўп айтиладиган “соғлиғинг яхшими” сўраш усули Хитойча саломлашиши усулларидан мустасно, чунки Хитойда фақат бемор одамнинг соғлиги сўралади.

Мулоқот жараёнида тез-тез учраб турадиган мурожаат қилиш маданияти хитойларда ўзбекларникидан бирмунча фарқ қилади. Бунга мисол сифатида хитойлик талабалар ўқитувчиларига мурожаат қилганда “*Ма Профессор ёки Янг устоз*” деб мулоқатга киришади, бундан ташқари, биринчи фамилиясини кейин лавозимини айтиб мурожаат қилишади. Ўзбек маданиятида хурмат юзасидан “*исм-шарифини*” айтиб мурожаат қилишади.

Талаба хитой тилини жуда яхши ўзлаштирган, гапиришлари жуда раво бўлишига қарамай, университетимизда иш фаолиятини олиб бораётган устоз Ванга қутилмаганда 大妈 data деб мурожаат қилди, бундай мурожаат уни бошқа хитойлик ўқитувчилар олдида ноқулай вазиятга солиб қўйди. Чунки “大妈 data” деб мурожаат қилиш хитой тилида ёши катта маъносидан ташқари, бу сўзнинг семаси маданият жиҳатидан биров саёзлигини ҳам кўрсатади. Бундан ташқари, устоз Жанг Хитойдан келган вақтида ундан соғлигингиз яхшими деб сўралганда менинг соғлигим яхши, хитойда фақат касал одамдан соғлик сўралади, деб жавоб қайтарганди (Талабалар орасида мурожаатнинг хато қўлланилиши хитойликларни ноқулай аҳволга солиб қўяди).

Масалан, оламнинг яралиши ҳақидаги машҳур хитой афсонаси “开天辟地” – “Kāitiānpìdì” иборасига асос бўлиб, ҳозирда бу ибора “Энг биринчи яратилган; тарихда илк бор; мислсиз” каби маъноларда қўлланилади. Хитой миллий маданиятини акс эттирувчи ибора “望子成龙 Wàngzǐchénglóng” маъноси *ота-оналар фарзандини одамларга бош бўлиши ёки аждарҳодек юришини иштади*. Хитой миллий маданиятини акс эттирувчи ва ўзбек маданиятига ёт бўлган иборалардан бири ҳисобланади. 望女成凤 wàng nǚ chéng fèng маъноси *ота-оналар қиз фарзандини феникс қуш каби бўлишини ва ҳаётда муваффақият қозонишига умид қилишади*.

Чет тилни ўргатишда реалаяларни ўрни муҳим аҳамият касб этади. Реалая яъни муқобилсиз лексика юзасидан Е.Г. Шумагерн, Г.Д.Томахин С.Влахов ва С.Флорин каби олимлар изланиш олиб борган ва уларнинг қарашлари бир-

⁸ 李翠娟. 语宙的寒暄功能 · 郑州工业高等专科学校报.: 2004 年. 总页 426.

бирига яқин бўлиб, муқобилсиз лексика (реалия) бирор миллат ёки халққа алоқадор миллий, моддий, тарихий ва маданиятига тегишли бўлган сўзларни таъкидлашган.

Тил бирлиги сифатида реалия муқобилсиз лексика сирасига киради. У лингвистик билимнинг ажралмас қисми бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади. Мутахассислар тилнинг ижтимоий томонига кўпроқ назар ташлашади. Бу ижтимоий томон ўша тилда сўзлашувчи халқнинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда уни акс эттиради⁹.

Муқобилсиз лексикаларни ўргатишда тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги чет тилни ўзлаштиришда яна муҳимроқ эканлиги яққол кўзга ташланади: ижтимоий жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида янги хос сўзларнинг (муқобилсиз лексикалар) пайдо бўлиши мулоқотда шунга мос сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Жонворлардан ҳам мисол қилиб оладиган бўлсак 乌龟 wū guī Тошбақа-хитой маданиятида тинч ва узоқ умр маъносини англатса, ўзбек маданиятида одамларга нисбатан секин юриш, секин ҳаракат қилишни ҳамда камситиш маъноларини билдиради.

Бунга яна мисол сифатида ранглар ва рақамлардаги фарқли жиҳатларини таъкидлаб ўтамыз. Хитой халқи қизил ва сариқ рангни яхши кўришади ва қадрлашади, оқ ва қора рангларни хуш кўришмайди. Хитойликлар қизил рангни қутлуғ ва тантанали ранг, ҳамда инқилоб рамзи деб ҳисоблайди. Бунга мисол сифатида, хитой миллий байроғининг қизил рангда эканлигини кўришимиз мумкин. Хитойда сариқ ранг шарафли ранг тимсолида қаралади, қадим замонларда императорлар томонидан монополияга олинган ва шоҳона махсус рангга айланган. Қора рангни ёвузлик ва ёмонлик тимсолида кўришади, оқ ранг ўлим ва дафн маросимлари билан боғлиқ, лекин ҳозирги кунда ғарбнинг таъсири натижасида хитойлик ёшлар орасида тўй маросимлари, оқ либос кийиши урф-одатга айланди.

Рақамларга келадиган бўлсак хитойликларнинг энг сеvimли рақамлар “六 liù - 6”, “八 bā - 8”, “九 jiǔ - 9” сонларни ҳисоблашади. Бунинг сабаби бу сонларга ўхшаш товушлар ижобий маънодаги иероглифларнинг мавжудлигидадир. Мн: “六 liù – 6, 禄 lù-бой, билимли”, “八 bā – 8, 发 fā-эришмоқ, бойиб кетмоқ”, “九 jiǔ – 9, 久 jiǔ-узоқ, узоқ умр ”.

⁹ Лютавина Е.А. Реалии как лингвистическое явление // Молодой ученый. – 2015. – №14. – С. 488 – 490. – URL<https://moluch.ru/archive/94/21235/> (дата обращения: 21.05.2022).

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хитой тилини ўрганаётган биринчи ва иккинчи босқич талабаларда хитой тилида маданиятлараро компетенцияни шакллантиришнинг самарадорлиги ва сифатини таъминловчи ақлий меҳнатни ташкил этишнинг самарали йўллари топиш имконияти камроқ бўлмоқда.

Хорижий тилни ўрганишда мамлакат воқеликлари лингвомамлакатшуносликнинг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Воқелиklar – тили ўрганилаётган мамлакатнинг ҳаёти, маданияти, адабиёти, тарихи, урф-одатларига алоқадор ҳақиқий далиллардир. Хитой тили дарсларида маданиятлараро мулоқот тушунчаларни шакллантириш жараёни ўз маданиятига муҳаббатни тарбиялаш, бошқа халқларнинг тил ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни жаҳон маданиятидан хабардор этиш билан боғлиқ.

Хитой тилини ўқитишда лингвокультурологик ёндашув тилни мукамал эгаллашга ва маданиятлараро мулоқотга эришишга имкон беради. Талабалар сўзларнинг ифода қилгандаги маъносини англашга таъсир қилади. Агар талабалар сўз ёки сўз бирикмасининг маъносини тўлиқ тушунмаса ёки сўзнинг маданий маъноси ҳақида билимга эга бўлмаса, бу маданиятлараро мулоқот сифатига таъсир қилади. Хитой тилини ўргатишда маданий сўзлар ва ибораларни ўргатиш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён. Ушбу жараён давомида талабалар маданий лексика ва ибораларни ўзлаштириш орқали билим даражаси аста-секин кенгайиб боради, маданий лексикани мулоқотда ишлатиш қобилияти, бу тилни ифодалаш қобилиятини оширади. Шу сабабли, машғулотларда хитой тилида маданий сўзларни ўргатишга эътибор қаратишимиз керак ва талабалар маданий сўзлар билан чекланмасдан самарали маданиятлараро мулоқотни амалга оширишлари мумкин.

Фойдаланган адабиётлар (REFERENCES)

1. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. – М., 2007.
2. 中国对外汉语教学学会, 《世界汉语教学》编辑部, 《语言教学与研究》编辑部. 对外汉语教学的定性、定位、定量问题座谈会纪要 [J]. 世界汉语教学.: 一九九五. 总页 160 页.

3. 元华. 中国对外汉语教学界文化研究. 北京师范大学学报.: 2003年 30页. 总页135页.
4. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. (Опыт исследования). – М., 1997.
5. Прохоров Ю.Е., Стернин И.А. Русские: коммуникативное поведение. – М.: Флинта – Наука, 2007.
6. 唐智芳 “文化视域下的对外汉语教学研究”. 博士学位论文. 湖南师范大学.: 二零一二年. 五月. 总页 201.
7. 石中英. 教学学的文化性格. М.: 太原 : 山西教学出版社.: 2003年.总页数385页.
8. 李翠娟. 语宙的寒暄功能 · 郑州工业高等专科学报.: 2004年. 总页 426.
9. Лютавина Е.А. Реалии как лингвистическое явление // Молодой ученый. – 2015. – №14. – С. 488 – 490. –URLhttps: // moluch.ru /archive/ 94/21235/ (дата обращения: 21.05.2022).
10. Saydaliev, T. K., Erkaev, E. T., & Djuraev, D. M. (2021). Review of abdulla kadiri's poetics in the novel" Days Gone By" in Russian translations. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 754-763.
11. Dilshod, D. (2012). 乌兹别克斯坦与中国重要节日的对比 (Master's thesis, 新疆大学).
12. Тухтасинов, И. М. (2011). Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков). Автореф. дисс.... канд. филол. наук. Ташкент: УзГУМЯ.
13. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Modern views on the problem of distance and traditional methods of teaching italian language in higher education institutions. *Society and Innovation*, 2(2), 111-117.
14. Tukhtasinov, I. M., Muminov, O. M., & Khamidov, A. A. (2017). The days gone by. Novel by Abdulla Qodiriy. Toshkent.
15. Tukhtasinov, I. M. (2018). The structure of the phenomenon of equivalence and its importance for translation strategies. In *Modern Romano-German linguistics and new pedagogical technologies in language teaching*, Materials of the Republican scientific-practical conference, Samarkand.
16. Тухтасинов, И. М. (2018). Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.

17. Tukhtasinov, I. M. (2017). Discursive approach in the training of translators. In Mat. International scientific and creative forum" Youth in science and culture of the XXI century". Chelyabinsk: Chelyabinsk State Institute of Culture (pp. 229-231).
18. Тухтасинов, И. М. (2012). Национально-культурная специфика сложных слов, выражающих внешность и характер человека, в английском и узбекском языках. Вестник Челябинского государственного университета, (2 (256)), 122-125.
19. Тухтасинов, И., & Хакимов, М. (2021). Современные взгляды на проблему дистанционного и традиционного методов обучения итальянскому языку в высших учебных заведениях. Общество и инновации, 2(2), 111-117.
20. Тухтасинов, И. М. (2017). Дискурсивный подход в обучении переводчиков. In Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в. (pp. 229-231).
21. Тухтасинов, И. (2021). Таржимоннинг касбий компетенцияси ва фаолият функциялари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (3 (80)), 5-10.
22. Тухтасинов, И. (2021). Особенности формирования учебного процесса в системе высшего образования Узбекистана в условиях Covid-19. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (78)), 11-18.
23. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In Язык и культура (pp. 226-231).
24. Tuxtasinov Maqsadjon Murodjon O‘G‘Li (2020). San‘at va madaniyat sohasi talabalari bilimlarini nazorat qilishda nostandart testlarning afzalliklari. Oriental Art and Culture, (III), 320-325.
25. Тухтасинов, У. М. (2020). ИГРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА. Мировая наука, (3), 498-501.
26. Тухтасинов, И. М. (2020). Лингвокультурологический аспект обучения переводческой компетенции. In Язык и культура (pp. 226-231).
27. Tuhtasinov, Ithom and Lutfilloeva, Fahriniso, The Japanese Language Teaching Technologies Based on Computer Simulation Models (September 10, 2019). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3458780>
28. Тухтасинов, И. М. (2019). ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В ПРОЦЕСС ОБУЧЕНИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ ПЕРЕВОДА. In Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития (pp. 111-113).
29. Сукиасян, Г. А., Тухтасинов, И. М., Гушул, Ю. В., & Баштанар, И. М. (2019). Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI века: материалы

- международ. науч.-творч. форума (научной конференции), 7–8 нояб. 2019 г./сост.: СБ Синецкий (отв. сост.).
30. Тухтасинов, И. М. (2018). Методика выявления эквивалентности слов разносистемных языков в процессе перевода. Бюллетень науки и практики, 4(7), 539-544.
31. Тухтасинов, И. (2017). Таржимада маданияй мослашиш ҳолатлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(2 (63)), 5-9.
32. Тухтасинов, И. (2017). Жамият тарихининг ҳозирги босқичида таржимонлар тайёрлашнинг асосий муаммолари. Иностранная филология: язык, литература, образование, 2(4 (65)), 20-24.
33. Тухтасинов, И. (2016). Таржима назариясида тиллараро эквивалентлик тушунчаси ва унинг тадқиқи. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 26-30.
34. Тухтасинов, И. М. СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СПЕЦИФИКА В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ. ББК 74.48 Р 76, 314.
35. Djurayev, D. M. Linguo-cultural Approach to Teaching Foreign Languages. International Journal on Integrated Education, 3(12), 240-241.
36. Джураев, Д. (2021). ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБА ХАРАКТЕРИНИНГ АҲАМИЯТИ. АКТУАЛЬНОЕ В ФИЛОЛОГИИ, 1(1).
37. Джураев, Д. (2020). Талабаларни таълим жараёнида хитой тилига ўқитиш самарадорлигини ошириш методлари. Иностранная филология: язык, литература, образование, (1 (74)), 124-127.
38. Джураев, Д. М. (2017). ИСТОРИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ОБУЧЕНИЯ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКИСТАНЕ. In Актуальные вопросы преподавания китайского и других восточных языков в XXI в. (pp. 84-88).
39. Турниязов, Н. К. (1985). Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчинённого предложения в узбекском языке/-Ташкент. Укитувчи.-1985,-с22.
40. Turniyozov, N., & Rahimov, A. (2006). O'zbek Tili [M].
41. Турниёзов, Н. (1998). Назарий грамматикадан очерклар. Самарқанд: СамДЧТИ, 998, 48.
42. Сулейманова, Н. М., & Турниязов, Н. К. (2018). О ФОРМИРОВАНИИ СТРУКТУРНОЙ СХЕМЫ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ СОЗНАНИИ. In Научные школы. Молодёжь в науке и культуре XXI века (pp. 39-42).

43. Турниёзов, Н. (2016). Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар. Иностранная филология: язык, литература, образование, 1(4), 10-13.